

16«11»2022 yil.

235-1-22-МТ/2022-сон

PUDRAT SHARTNOMASI

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Избоскан туман мактабгача таълим бўлими” мудирини Н.Кобилова бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “ INOVATION BUILDING TA’MIR ” МЧЖ номидан Низом асосида директори Ф.Толбжонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “Избоскан туман № 35 мактабгача таълим ташкилоти” объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот рақами “22110012176133” электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 1 046 500 000.00 (Бир миллиард қирк олти миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан 6 эшлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Ишларни бажариш муддати

6. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

7. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 15 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 156975000,0 (Бир юз эллик олти миллион туккиз юз етмиш беш минг) сўмни ташкил этади.

10. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 90 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ўз равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг помидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

16. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

18. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

19. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан қиритади.

20. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

21. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

22. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

23. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

24. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

25. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

26. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

VIII. Ишларини қўриқлаш

27. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

28. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

29. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

30. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

31. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

32. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек

қурилиши тугалланган объектни фойдаланишига қабул қилиб олинишига белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

XI. Кафолатлар

33. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилиши;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиниши;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

34. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

35. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XII. Шартномани бекор қилиш

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

42. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

44. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

45. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига Пудратчидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.ё

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгаришни ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаш керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санолигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

57. Мазкур шартнома туман газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга кирди.

XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БҮЮРТМАЧИ”

Номи: “Избоскан туман МТБ”
Манзил: Пойтут шаҳар Накшбанд куча
401722860032147091100251007
ИНН : 305158448 МФО :92400
Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент
Х/Р 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН : 201122919
Индекс:17073
Тел: +998 99 602 00 79

“ПУДРАТЧИ”

Номи: “ INOVATION BUILDING TA’MIR” МЧЖ
Манзили: Андижон шаҳар 2 топ
М.Қаландаров куча 24 уй
Банк номи: “АТ Халқ банки”
Анд вил амалиёт бўлими
Х/Р: 2020800020095691300
МФО: 00649 ИНН: 305158448
ОКНХ: 42210
Тел: +998 973327070

Мудир: _____ Н.Қобилова

Раҳбар: _____



	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	MARVARID ARTIKOVA URINBOYEVNA
	Imzolangan sana	16.11.2022 09:43
	Hujjat kodi	RD6876387035
	Hulosa kodi	KH2553284643

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

KH2553284643

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **35 mtt kurilish 1 milliard**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "IZBOSKAN TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Izboskan tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:



M.U.MAVLONOV

15.11.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 176133 на приобретение 35 Дмтт биоларини капитал таъмири

Способ проведения электронный

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 10.11.2022 17:56

Закупочная комиссия Избоскан тумани мактабгача таълим бўлими (Марказлашган хисобхона), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA	Мудира	Избоскан туман МТБ
Секретарь комиссии	XOLIMURODOVA NIGORAXON MUTALLIBOVNA	Шартнома мутахасиси	Избоскан туман МТБ
Член комиссии	QAMBAROVA RA'NOXON ISXAKJONOVNA	Шуба мудири	Избоскан МТБ
Член комиссии	MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA	БОШ ХИСОБЧИ	Избоскан МТБ
Член комиссии	SHAMSIDDINOV AZIMJON G'OPIRJON O'G'LI	Мухандист	Избоскан МТБ
Член комиссии	REJABOV SAYFULLO SHAXOBYONOVICH	мухандис	Избоскан туман МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 176133.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по капитальному ремонту зданий
Подробное описание	35 Дмтт биоларини капитал таъмири
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1046 720 000.00
Стартовая сумма	1046 720 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Пудратчи банкротлик аломатлари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи банкротлик аломатлари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INOVATSION BUILDING TA'MIR	15	ПДФда илова	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНУ		килинди				
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	15	мавжуд эмас	15	Экспертная		

Критерий №2 Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда кафолат хати, коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси, солик дан карздорлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда кафолат хати, коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси, солик дан карздорлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	15	ПДФда илова килинди	15	Экспертная		
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	15	жойланди	10	Экспертная		

Критерий №3 Мавжуд техника, механизм ва асбоб ускуналар билан жихозланганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника, механизм ва асбоб ускуналар билан жихозланганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	15	ПДФда илова килинди	15	Экспертная		
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	15	жойланди	10	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш пудрат ташкилотини сунги 3 йил давр мобайнидаги ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилотини сунги 3 йил давр мобайнидаги ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	25	ПДФда илова килинди	25	Экспертная		
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	25	жойланди	25	Экспертная		

Критерий №5 Охирги йиллардаги молиявий натижалари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йиллардаги молиявий натижалари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	15	ПДФда илова килинди	15	Экспертная		
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	15	жойланди	10	Экспертная		

Критерий №6 Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувохнома, низом, ишчи ходимлар тугрисида маълумотлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувохнома, низом, ишчи ходимлар тугрисида маълумотлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	15	ПДФда илова килинди	15	Экспертная		
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	15	жойланди	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	1 046 720 000.00	1 046 700 000.00 UZS	1 046 700 000.00	00.00	1 046 700 000.00	07.11.2022 19:26:38	19.99618
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	1 046 720 000.00	1 046 500 000.00 UZS	1 046 500 000.00	00.00	1 046 500 000.00	07.11.2022 09:36:38	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ	64	19.99618	83.99618
INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ	80	20	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 176133 от 10.11.2022 года на приобретение 35

ДМТ биноларини капитал таъмири определила победителем:

INOVATSION BUILDING TA'MIR MCHJ
305934882

и резервный исполнитель: ELEKTR TARMOQ TA'MINOT' MCHJ (205120879)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA	Согласен	
Член комиссии	QAMBAROVA RA'NOXON ISXAKJONOVNA	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA	Согласен	
Член комиссии	SHAMSIDDINOV AZIMJON G'OPIRJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	REJABOV SAYFULLO SHAXOVBONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**176133 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

14.11.2022 11:49

Комиссия раиси:

QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA